

# **ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

**Бердиёрова Шоира –Педагогика таълими  
назарияси катта ўқитувчиси**

**Мамадиёрова Гулҳаё, ЖДПИ Педагогика  
назарияси ва тарихи факультети  
1- курс магистранти**

**Аннотация:** Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти асосини инновацион фаолият ташкил этади. Тарих шундан далолат берадики, инсон ўзининг ақл-заковати билан дастлабки меҳнат қуролларини ўйлаб топишдан, алгоритм ва нанозарралар, замонавий инновацион компьютер, қуёш ва бошқа юқори технологияларни кашф этишгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди.

**Калит сўзлар:** Таълим, инновация, илм фан.

Таълимдаги инновацион жараёнлар бир қаторда таълим соҳаси тизимиға, балки жамиятнинг барча соҳаларининг ривожига ўзининг акс таъсирини кўрсатади. Шу боис ҳам ана шу таъсир ва бўшлиқнинг олдини олиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мазкур 2018-йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили” деб эълон қилинди[1].

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз илм-фани, етакчи илмий мактаблар, биринчи навбатда, энг йирик ва муҳим аҳамиятга эга ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойdevor яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Буни амалий қўллаб-куватлаш мақсадида бир қатор меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992-йил 8-июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-куватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992-йил 21-июлдаги

“Илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-куватлаш чоралари тўғрисида”ги қарори илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш соҳасидаги дастлабки асосий хужжатлардир. Давлатимиз раҳбарининг 2006-йил 7-августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофик, Ўзбекистон илм-фанини бошқариш ва молиялаштиришни давлат томонидан тартибга солиш, унинг саъй-ҳаракатларини устувор соҳаларга йўналтиришга қаратилган ислоҳотлар давом эттирилди.

Сир эмаски, XXI аср - техника ва технология асри. Ҳа, бу ном бежизга берилмади. Атроф-муҳитда содир бўладиган ҳодисалар уни ўрганишга бўлган қизиқиши янада орттириди. Бу қизиқиши ортидан илм-фан соҳасида мисли кўрилмаган кашфиётлар пайдо бўлди ва пайдо бўлмоқда. Кундан кунга кишини ҳайратга соладиган янгиликлар яратилмоқда.

Дарҳақиқат, фаровон келажак пойдевори ҳозирда униб-ўсиб келаётган ёшлар ҳисобланади. Шу сабабли, уларнинг юқори билим ва қўникмаларга эга бўлиб вояга етмоқлари муҳим омилдир.

Хусусан, ҳозирги кунда таълим жараёнида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиши, эътибор кучайган.

Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш” вазифалари белгилаб қўйилган. Мамлакатимизнинг тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун аҳоли таълимини жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсади ҳам илғор педагогик тадбирлардан, технологиялардан кенг фойдаланишимизни талаб этмоқда.

Инновацион технологиялар асосида мантиқий фикрлаш узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Улар таълим жараёнида маълум ўзгаришларга, таълим мазмуни, сифати бойишига ва самарали ташкил этилишига сабаб бўладиган турли ташаббус ва янгиликларнинг яхлит тизимида намоён бўлади. Илм, фан ва техниканинг жадал ривожланиши, янги техника ва технологияларнинг жамиятнинг барча қатламларига кириб бориши, ахборот технологияси воситаларининг барча давлат ва нодавлат муассасаларида қўлланилиши ўқитувчилардан узлуксиз билим олишни талаб қилмоқда. Ўқитувчиларнинг фаолияти кўп қиррали бўлиб, улар бошқарувчи, мулоқот қилувчи, йўналтирувчи, ташкил этувчи ва баҳоловчи ролларини амалга оширишлари керак бўлади[2].

Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиш, амалиётда таълим муассасаларини инновацион жараёнларга қўшилишини тақозо этмоқда, ўзини яратиш имкони мавжуд инновацион майдонда кўриш ва энг муҳими аниқ янгиликларни ўзлаштиришдан иборат[3].

Бугунги кунда мактаб ва олий таълим тизимидағи анъанавий ва оммавий кўринишдаги таълим ва тарбия жараёнлари ўрнига таълим муассасалари ривожланишида ўзига хос янгилик бўлиб инновацион жараёнлар кириб келмоқда. Инновация (ин-“лик”, новус-“янги”) янгилик киритиш, янгилик деган маънони англатади[4].

Таълим соҳаси – мамлакатимизда биринчилардан бўлиб фаол инновацион ҳаракатни бошлади. Маълум босқичда XX аср охирларида бундай ҳаракатлар йўлга қўйилган эди. Масалан, А.Г.Ривин ва В.К.Дяченко томонидан ўқитиши жамоавий ўқитиши, Д.Б.Елконин, В.В.Давыдов, Л.В.Занковлар томонидан илгари сурилган ривожлантирувчи инновацион таълим тўғрисидаги қарашлар ўз вақтида маълум аҳамият касб этди. Шу билан бирга бошқа инновацион таълим технологиялари: диалектик ўқитиши усуллари (А.И.Гончарук, В.Л.Зарина), ўқитишининг индивидуал йўналишли усули (А.А.Ярулов), “Екология ва диалектика” (Л.В.Тарасов), эвристик ўқитиши (А.В.Хуторской) диалог маданияти (В.С.Библер, С.Ю.Курганов), лойиҳали ўз-ўзини рефлексия (Г.П.Шедровитская) ва бошқаларни келтириш мумкин[5].

Илм-фан ва ишлаб чиқаришни интегратсиялаштириш, хусусий тадбиркорлар ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик, кичик ва ўрта инновацион бизнеснинг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш инновацион фаолиятни кенг ривожлантиришнинг муҳим шартларидир. Шуни таъкидлаш керакки, дунёning ривожланган давлатларида янгиликларнинг қарийб ярми ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес фирмалари томонидан амалга оширилмоқда. Чунончи, АҚШ Миллий илм-фан фонди маълумотларига кўра, кичик фирмаларда ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар сони сарф-харажатлар бирлиги бўйича ўрта ва йирик фирмаларга қараганда анча кўпдир. Бундан ташқари, кичик фирмалар янгиликларни жадал ўзлаштириш ва истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам йирик фирмаларга қараганда тахминан учдан бир баробар илгарилаб кетган.

Университет ва техника институтлари ишлаб чиқариш компаниялари ва фирмалар билан биргаликда патентланган ишланмада ўз иштироки улушкини белгилаб тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга оширгандагина илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интегратсиялашув жараёни катта самара беради. Европа патент идораси томонидан берилган барча халқаро патентларнинг 85 фоизи айнан шундай ҳамкорликдаги ишланмалар улушкига тўғри келиши ҳам бежиз эмас[5].

Жаҳон тажрибаси шуни қўрсатмоқдаки, ҳар томонлама ривожланган инновацион тизимга эга мамлакатлардагина инновация жараёнлари самарали амалга оширилиб, технологиялар ва бошқа илмталаб маҳсулотлар тижоратлаштирилмоқда. Бу жараёнда давлатнинг иштироки, иқтисодиётнинг реал сектори ва етакчи компанияларнинг инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Зоро, илм-фан давлатнинг техник тараққиёти ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган ушбу интегратсия механизмининг асосини ташкил қиласи.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кун инновацион технологияларини илм-фан ва таълим соҳасида муваффақиятли қўлланилса, янги ёш авлод ана шу жаҳон тажрибаси асосида сабоқ олиб, улғайса,

давлатимизнинг эртанги истиқболи, келажаги ёрқин бўлишига шак-шубҳа йўқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22 январ 2018 йилдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ПФ-5308 –сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 феврал 2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентабрдаги “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
4. А.Мухторов;Ш.И. Мустафақулов “Талим соҳаларини ривожлантириш буйича хориж тажрибалари” -“Иқтисодиё ва инновацион технологиялар” илмий журнал 2012 й №4 май;
5. Ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимини Бошқариш ва молиялаштириш тажрибалари. Рустамова Д.Д. Таълим, фан ва инновация. Маънавиймаърифий, илмий-услубий журнал. 2015 йил, 2-сон;
- 6.Toshpo'latova, N. (2021). ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРИНИНГ МУЛОҚОТИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА. Журнал *Педагогики и психологию в современном образовании*, (3).
- (3). Toshpo'latova, N. (2021). YOSH AVLODNI TARBIYALASHDA–O'QUVCHILAR RUHIYATINI HISOBGA OLISH. Журнал *Педагогики и психологию в современном образовании*, (1).
- 7.Munarova Rano Usarovna, Saparova Zamira Ibrahimovna, Yuldashev Sardor Asliddin o'g'li, Akhmedova Shokhida Mukhtarovna.THE EDUCATION OF

- TALENTED STUDENTS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)-ISSN: 2455-3662,2019
- 8.Axmedova, S. (2019). FACTORS AND TRENDS OF ECONOMIC GROWTH. Экономика и социум, (10), 17-20.
- 9.Shagazatova, B. X., Mirkhaydarova, F. S., Artikova, D. M., Axmedova, F. S., & Kudratov, N. A. (2019). FEATURES OF DIABETES MELLITUS IN HIV-INFECTED PATIENTS. Toshkent tibbiyot akademiyasi axborotnomasi, (1), 149-152.
- 10.Munarova Rano Usarovna, Rozikova Munzira Dodoevna Uralov Anvar Abdumalikovich, Akhmedova Shokhida Mukhtarovna. (2020). Possibilities Of Self-Education In The Manifestation Of Genius Personality. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(08), 3626-3631. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/25584>
- 11.Axmedova, S. (2022). TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5881>
- 12.Axmedova, S. (2022). MAKTABLARDА O'QITISH TIZIMINING TA'LIM OLUVCHILAR YOSHI BILAN BOG'LIQLIGI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5879>
- 13.Axmedova, S. (2022). SAMARALI RAHBARLIKKA XOS XISLATLAR. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5102>